

MAGNUM
VIRTUTIS
OPUS
AGPM

АСИЛ РАШИДОВ

МЕҲНАТ КИШИСИ ОБРАЗИНИ ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

Тожик совет адабиётининг асосчиси ва ўзбек сове адабиётининг атоқли арбоби, улкан сўз санъаткори Сад риддин Айнийнинг ижоди кўп қирралидир. У «Бухор жаллодлари», «Одина», «Эски мактаб», «Судхўрнин ўлими», «Етим» каби қиссалари, «Дохунда», «Қуллар сингари йирик романлари ва мемуар характердаги «Эс даликлар»и билан умумсовет адабиёти хазинасига кат та ҳисса қўшди. Ушбу асарларда Ўрта Осиё халқлари жумладан, ўзбек ва тожик халқларининг аянчли ўтми ши, иккала халқ ўртасидаги асрлар бўйи давом этиб келаётган бирлик ва дўстлик алоқалари акс эттирилди Бу халқларнинг орзу-умидлари, олға интилишлари ва озодлик йўлида олиб борган курашлари ўз ифодасини топди. Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси натижасида ва Коммунистик партиянинг етакчилигида озод, бахтиёр ҳаётга эришиб, янги социалистик тузум нинг тантанаси ва равнақи учун ижодий меҳнатга от ланган совет халқи ва унинг ажойиб фарзандлари об рази ёрқин чизиб берилган.

С. Айний ижодида совет воқелиги темаси ўз бадиий ифодасини топгани каби, ўзбек ва тожик халқларининг Улуғ Октябрь социалистик революциясигача бўлган оғир ҳаёти ва заҳматли меҳнати мавзуи ҳам катта полотно ларда образли акс эттирилди.

Маълумки, 20-йилларда яратилган кўпгина асарлар да тарихий ўтмишни бадиий гавдалантириш, меҳнаткаш халқнинг оғир моддий аҳволи ва уқубатли меҳнатини кўрсатиш муҳим ўрин эгаллади. Бу ҳол тасодифий эмас эди, албатта; ўтмиш даҳшатларини кўрсатиш, унга қар ши кишиларда нафрат уйғотиш, икки ҳаёт, икки тузум ни таққослаш орқали совет воқелигининг улуғворлигини

тасдиқлаш ва унга нисбатан кишиларда муҳаббат уйғотиш зарур эди.

С. Айнийнинг «Бухоро жаллодлари», «Одина», «Қулбобо ёки икки озод», Ғ. Ғуломнинг «Нетай» каби повестлари революциянинг ҳақиқий моҳиятини тўла англаб етмаган ҳолда, деҳқонлар онгининг ёришувида, уларни ғоявий жиҳатдан тарбиялашда ўзига хос ўрин тутди. Бу тарихий қиссаларда ўзбек ва тожик халқларининг муштарак ҳаёти, феодал ўтмиши, диний мутаассиблик авж олган давр акс эттирилди.

С. Айнийнинг «Бухоро жаллодлари» повесть-памфлети — ўзбек ва тожик совет адабиётининг дастлабки проза намунаси бўлиб, социалистик реализмни эгаллаш йўлидаги биринчи қалдирғоч асардир. Зотан Абдулла Қодирий ўзбек совет адабиётида роман жанрини, Ҳамза эса драма жанрини бошлаб берганидек, С. Айний ҳам ўзининг «Бухоро жаллодлари» асари билан ҳар икки халқ адабиётида повесть жанрини бошлаб берди. Мемуар характерига эга бўлган бу асарда муаллиф ўша даврнинг ижтимоий муҳитини, яъни ўзининг сўнгги кунларини кечираётган амирлик системасининг ярамас идора усулларини, унинг чиркинлигини, инсоний ҳис-туйғулардан маҳрум, тубан шахс амир ва унинг амалдорларининг ўтакетган разиллигини ва бутун кирдикорларини ўзининг аламли саргузаштлари орқали реалистик равишда ҳақконий очиб ташлади. Бир гуруҳ Бухоро жаллодларининг ўзаро суҳбатлари давомида феодализм даври учун характерли бўлган мудҳиш манзаралар китобхон кўз ўнгида бирин-кетин тўла гавдаланади. Амирлик тузуми ёзувчи таъбири билан айтганда, «меҳнаткаш халқни таловчи даҳшатли бир машина»га айланган эди. Повестда феодал ҳукмдори — амир Олимхонининг жирканч қиёфаси ва унинг мустабид идора усули яққол кўзга ташланади. Амир ва вазирларининг иши халқни сурбетларча талаш, очлик ва қашшоқлик гирдобига тортиш, ҳашаматли саройларда кеча-кундуз айши ишрат билан ҳаёт кечириш, одам ўлдиришининг янги усуллари ҳақида «бош қотириш», юзлаб, минглаб бегуноҳларни зиндонга солиш, дорга осиш, бошини кестириш...

Ижтимоий ҳақсизлик ҳукмрон бўлган амир Бухоросида хон ва беклар, амалдорлар, қозилар, муллалар, эшонлар ва миршаблар ҳам дин ва шариат ниқоби остида, ҳийла-найранг билан фуқарони талаб, шу йўл

билан феодал тузумини, текинхўр гуруҳлар ҳукмронлигини сақлаб қолишга уринар эдилар. Ёзувчи куну тун одам ўлдириш билан шуғулланган ва ниҳоят бу жирканч ишлардан зериккан ва норози бўлган жаллодларни ўз тилларидан фош этади:

«— Эрта яна кўп одамларни ўлдиришга мажбур бўлармиз,— дейди жаллодлардан бири Ҳамро говбоз.— Амир одам ўлдириш учун бирор машина ясатиб олсайди, биз бунча азоб-уқубатлардан қутулармидик, деб ўйлайман.

— Одам ўлдириш учун ҳам машина ясатиб бўлармикан?— дейди Ҳайдарча ажабланиб.

— Дарвоқе, «амирнинг шундақа машинаси бор», дейдилар. Шу гап ростмикан?— деб сўради Қурбон девона.

— Мен у машинани ўз кўзим билан кўрганман,— дейди Мажид Каҳкашоний.

— Қани, бўлмасам ўша машинани айтиб берсангизчи,— деди Қурбон девона.

— Сенинг кўзингга ортиқча кўринган,— деди Ҳамро говбоз,— ўша қозилар, раислар, амалдорлар ва бошқа амалдорлар ва буларнинг устига муллалар, эшонлар, амин ва оқсоқоллар ва юртнинг бошқа каттаконлари — ҳаммалари бир жойда амирнинг халқни талайдиган машинаси ва буларнинг ҳар бириси у машинанинг ажралмас бир бўлаги, ҳатто биз каби жаллодлар ҳам ўша машинани сақлаш учундир»[1].

Китобхон ҳақиқий жаллодлар халқни жисмоний жиҳатдан қийнаб ўлимга мажбур этган кишилар эмас, балки уларга зулм ўтказиш ва ўлимга маҳкум этиш учун фармон берган амир ва унинг амалдорлари эканлигига қатъий ишонч ҳосил қилади ва агар халқ оммаси жаллодларга қарши қўзғалар экан, биринчи навбатда амирнинг ўзини ўлдирар эди, деган хулосага келади.

Ёзувчи халқ оммасининг аянчли аҳволи, фожиали тақдирини бадиий акс эттиради. Ҳоким гуруҳларнинг чиркин башараси, қабиҳ ҳаракатлари ва мунофиқликларини фош этди. Шу тариқа халқ оммасининг амирлик тузумига нисбатан чексиз нафрати ва газабини ифодалади. С. Айний «Бухоро жаллодлари» асарида худди устози Аҳмад Донишдек кўрган-кечирганларини, айнан ҳаётда содир бўлган фактик воқеликни қаламга олган. А. Донишнинг «Наводирул вақоеъ» («Нодир воқеалар») асаридаги танқидий руҳ С. Айнийнинг «Бухоро жаллодлари», «Одина» повестларига сингиб кетган. С. Айний «Бухоро жаллодлари» қиссасининг дастлабки вариантида воқеанавис сифатида қуйидагиларни ёзади: «Бухоро жаллодлари» 1918 йилда Бухорода воқеъ бўлган фожиалардан олиниб ёзилган ҳақиқатдир»[1].

Асар мундарижасини ташкил этган воқеалар — Бухоро жаллодларининг ўзаро суҳбатлари — персонажлар тилидан ҳикоя қилинган алоҳида новеллалар маълум тартибда изчил давом этиб, узвий бирликни, яхлитликни ташкил этадики, бу «Минг бир кеча»даги каби эртакларни эслатади. С. Айний халқ ижодидаги бу усулдан шундай фойдаланибгина қолмай, уни ранг-баранг диалоглар қўллаш ва группа бўлиб ҳикоя қилиш приёми билан ҳам янада бойитди. Бироқ асарда ўтмиш фожиалари ёркин бўёқларда тасвирлаб берилган бўлишига қарамай, ана шу қонли воқеаларнинг ижтимоий моҳияти, улардан қутулиш йўллари, шунингдек, Октябрь революцияси арафаси ва революциядан кейинги халқ оммасидаги инқилобий руҳ ва кайфият, янги социалистик тузум тараққиётининг қонунийлиги, тарихни яратувчи халқ оммасининг роли, кураши, ижодий яратувчилик фаолияти ҳали етарли даражада бадиий ифодасини топа олмаган эди. «Бухоро жаллодлари»,— деб ёзади Г. И. Ломидзе,— Айнийнинг реалистик методи эндигина шакллана бошлаган бир пайтда яратилдики, бу даврда у эски методдан, танқидий реализм позициясидан четлашган, лекин ҳали ўзининг қудратли реалистик истеъдодини, социалистик гоявийлик билан суғорилган истеъдодини тўла намоён эта олмаган эди»[2].

Социалистик реализм методини эгаллаш йўлида адибнинг иккинчи қадами унинг йирик тарихий-инқилобий «Одина» қиссаси бўлди. Юқорида қайд этиб ўтилган масалалар бу повестда нисбатан анчагина дуруст ёри-

[1] *С. Айний.* Асарлар, саккиз томлик, биринчи том, ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти (тўпловчи ва нашрга тайёрловчи М. Ҳасанов). Тошкент, 1963, 178—179-бетлар.

[1] *С. Айний.* «Инқилоб» журнали, 1922, 1 апрель, № 3, 25-бет.

[2] *Г. Ломидзе.* Единство и многообразие. Издательство «Советский писатель», М., 1960, стр. 217.

тилди. Энг муҳими, эпизодик характерда бўлса-да, меҳнат кишиси образи биринчи планга чиқа бошлади.

Асар даставвал, «Одина ёки бир камбағал тожикнинг саргузашти» номи билан юритилиб, биринчи марта 1924—1925 йилларда «Овози тожик» газетасида[1] қисқартирилиб босилади, сўнгра автор томонидан қайта ишланиб, 1927 йилда Тожикистон Давлат нашриёти томонидан алоҳида китоб ҳолида босилиб чиқади[2]. Повесть юзага келган ўша кезларда кенг жамоатчилик уни мамнуният билан кутиб олди ва ўзбек, тожик реалистик прозасининг дастлабки намунаси сифатида юксак баҳолади. С. Айнийнинг ўзи асарнинг сўз бошисида қуйидагиларни ёзган эди: «Тожик янги адабиётининг эртаги шар меваси бўлса керак, ўқувчиларнинг диққатини ўзига тортди. Рус тилида икки дафъа таржима бўлиб, ун бор босилди, рус адабиёти буни танқидга лойиқ топиб, асосий камчиликларини кўрсатиб яхши баҳо берди»[3].

Ёзувчи шарқшунослардан В. Лапин (1905—1941) ва З. Хацревин (1903—1941)лар «Тожик адабиётининг туғилиши» номли мақолаларида «Одина» повестининг новаторлик характерини белгилаб бердилар. «Яқинигинада,— деб ёзган эдилар улар,— Самарқанддаги Давлат босмахонасида Айнийнинг «Одина ёки камбағал тожик деҳқонининг саргузашти» повести нашр этилди. Шу кундан бошлаб ёш тожик прозасининг келажак тарихи бошланмоқда»[4]. Тожик совет ёзувчиси Сотим Улуғзода ўзининг автобиографик повести «Ёшлигимиз тонги»да бу қисса ҳақида шундай ҳикоя қилади: «...Ана шу вақтларда «Овози тожик» газетасида «Одина ёки бир камбағал тожикнинг саргузашти» деган ҳикоя босила бошлади... Ҳаммамиз газетага оч киши сингари ташландик... Ўқиб бўлгач, газетанинг келгуси сонини — ҳикоянинг давомини сабрсизлик билан кутардик. Кўпинча

[1] Саргузашти як тожики камбағал. Аз хотираҳои истибдод. «Овози тожик». 1924, № 11, 23 ноябрь, № 14, 26 декабрь, № 1 14 январь, № 31, 5 май.

[2] *С. Айний.* Саргузашти як тожики камбагал ёки Одина. Са марқанд — Душанбе, 1927.

[3] *С. Айний.* Асарлар, 8 томлик, 4-том, Тошкент бадиий адабиёт нашриёти, 1965, 6-бет. Ишда келтирилган бошқа парчалар асарнинг шу нусхасидан олинди.

[4] *В. Лапин, З. Хацревин.* Рождение таджикской литературы Садриддин Айни и его «Похождение бедняка — таджика». «Литературная газета», 1929 г., 23 сентябрь, № 23.

шундай бир манзарани кўриш мумкин эди: ётоқхона жимжит, пашша учса ғинги эшитилади, талабалар пахталик олача чопонларини елкаларига ташлаб, баъзилари ҳатто бошларига ёпиниб каровотда мутолаа қилиб ўтирадилар, улар «Одина»ни ўқишади.

Кейинчалик бу ҳикоя алоҳида китобча қилиб нашр этилди... Энди китобчани бир бошдан ўқиш имкониятига эга бўлдим. Китобча дастлабки саҳифаларидан бошлаб мени ўзига мафтун этди. Мен бундай оҳангдор гўзал сўзларни умримда сира ўқимаган ва эшитмаган эдим. Китоб саҳифаларидан гўё ёқимли музика садолари эшитилаётганга ўхшарди, менга жаҳонда тожик тилидан кўра ёқимли ва гўзал нарса йўқдай туюлди. Мен «Одина»нинг кўп жойларини саҳифа-саҳифа қилиб дафтаримга кўчириб ёзиб, ёдладим»[1].

Тожик ёзувчиси, С. Айнийнинг шогирди Жалол Икромий, «Устоди ман, мактаби ман, худи ман» номли китобида адибнинг «Одина» повестини бутун тожик ва ўзбек зиёлилари зўр қизиқиш билан ўқиганлигини айтади.[2]

Атоқли ўзбек драматурги Комил Яшин ўзининг «Ёркин истеъдод» сарлавҳали мақоласида мактабда ўқиб юрган йилларидаёқ устод С. Айнийдан катта сабоқ олганлигини мароқ билан ҳикоя қилади. Хусусан, «Одина» повести ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Менинг мадрасада таҳсил кўраётган яқин ва жонажон дўстим Каримжон Сатторов Садриддин Айнийнинг «Одина» повестини тортиқ қилганида жуда ёш эдим. Мен бу китобни бебаҳо хазинадек кўксимга босганимча шаҳар кўчаларидан уйимга қараб чопдим. Етиб келишим биланоқ ҳеч нарсага чалғимай уни ўқишга тушдим. Унга азбаройи берилиб кетганимдан вақтни ҳам унутгандим. Бир неча соат ичида менинг кўз ўнгимдан тоғлик камбағал тожик Одинанинг ҳаёти бирма-бир ўтди. Қоратегин тожикларининг аламли ва аянчли ҳаётини аниқ-равшан ҳис этдим. Кўп марта кўзларимда ёш ҳалқаланди. Китобни ўқиб бўлганимда бундай ўтмиш энди қайтиб келмайди, деган хаёлда ўзимни янада дадил сездим»[3].

[1] *С. Улуғзода.* Ёшлигимиз тонги. УзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1958 йил, 320-бет.

[2] *Ж. Икромий.* Устоди ман, мактаби ман, худи ман. Нашриёти «Ирфон», Душанбе, 1970 йил, 6—7-бетлар.

[3] *К. Яшин.* Ерқин истеъдод. «Узбекистон маданияти» газетаси, 1968 йил, 18 октябрь, № 82 (1316).

«Одина» повестининг Москвада нашр эттирилган русча нусхасига атоқли партия ва давлат арбоби Файзулла Хўжаев сўзбоши ёзади. Унда қуйидагиларни ўқиш мумкин: «Айний ўз вақтида прогрессив ҳаракатнинг фаол иштирокчиларидан бири эди. У маърифат соҳасида озмунча иш қилмади. Айний амир билан бевосита курашда мавжуд тузум зулмининг барча даҳшатларини — ўша вақтда Бухорода авж олган ҳуқуқсизлик ва террорларни ўз бошидан кечирган эди... Садриддин Айнийнинг бу повести тожик халқининг ҳаёти ва турмуш шароитларини бадиий формада ифода эттиришга қаратилган дастлабки уринишдир. Айний ўз повестида мутлақо ҳуқуқсиз бўлган ва шафқатсиз эксплуатацияга маҳкум этилган ўнлаб ва юз минглаб меҳнаткашларнинг ҳаётини ҳеч қандай безаксиз, ҳаққоний тасвирлаб беришга муваффақ бўлди... Шунга кўра, айрим камчиликлардан қатъи назар ушбу асарни Совет Иттифоқидаги ишчи ва деҳқонларнинг кенг китобхонлар оммаси қизиқиш билан ўқишига ишончимиз комил»[1].

Маълумки, С. Айний асарлари 20-йиллардаёқ хорижий Шарқ ва Ғарб мамлакатлари китобхонлари қўлига етиб борган ва улар томонидан зўр ҳурмат ва эҳтиром билан севиб ўқилган. Бу жиҳатдан эронлик прогрессив аёл Шукуҳ Ховариёнининг С. Айнийга йўллаган мактуби характерлидир. Шукуҳ Ховариён кўпчилик китобхонлар сингари «Раҳбари Дониш» журналида (1928 йил) босилган «Биринчи инқилобий тожик қиссаси»[2] номли тақризни ўқиб гоят ҳаяжонланади. Асарнинг бош қаҳрамонлари меҳнаткаш тожик йигити Одина билан пок севги-садоқатга эга бўлган тожик қизи Гулбибининг ўз ҳуқуқлари, эрк ва озодликлари ҳамда бахт-саодатга эришиш йўлидаги машаққатли курашлари ва бу кураш йўлида қурбон бўлишлари муштипар аёлнинг қалбини тўлқинлантиради ва қаттиқ изтиробга солади. Теҳронлик бу аёлнинг қалб сўзлари адибнинг рухсати билан «Раҳбари Дониш» журналининг 1928 йил 8—9-сонларида эълон қилинади. У ўз мактубида, жумладан, қуйидагиларни ёзади: «Мен «Раҳбари Дониш» журналининг

[1] *Файзулла Ходжаев.* О повести «Одина», предисловие к повести «Одина или похождение бедняка — таджика». Перевод с таджикского З. Хацревина. Гослитиздат, Москва — Ленинград, 1930.

[2] *Раҳим Ҳошим* (имзо Р. М.). Якумин қиссаи инқилоби тожик «Раҳбари Дониш», 1928 йил, № 6 (9), 37—41-бетлар.

4-сонида «Биринчи инқилобий тожик қиссаси» сарлавҳаси остида босилган мақолани ўқидим. У мени ғоят ҳаяжонлантирди ва мен бу мактубни сизларга, озодлик ва инқилоб ғояларини форс тилида тарғиб қилувчиларга ёзишни мақсад қилдим. Шарқдаги зулмга гирифторларнинг нола ва фарёдларини ўзида ифодалаган бу муқаддас китоб («Одина» повести. *А. Р.*)ни мен ҳануз кўрганим йўқ... Минг афсуски, бу китобни ўқишдан, озодликка ундовчи фикрлар нуридан баҳраманд бўлишдан ҳали маҳрумиз. Мен Теҳроннинг бир бурчагида ўтириб, журналингизнинг бизга етиб келишига кўз тиккан ва уни ўқишга жуда ташна бўлган аёллардан биримам. Чунки унда бизнинг ўз орзуларимиз акс этганки, бизнинг мамлакатимиздаги матбуот бундай ҳаракатдан холи... Менга — Эронга бу китобдан бир нусха юборишингизни илтимос қиламан. Ахир мен ҳам сизларнинг заҳматкаш бир сингилингизман ва китобни олиш мақсадида ғоят катта умидлар билан озод ва инқилобий Тожикистонга кўз тикаман»[1].

В. И. Ленин «Лев Толстой — рус революциясининг кўзгуси» номли мақоласида ёзган эди: «Бизнинг революциямиз фавқулодда мураккаб бир ҳодиса: уни бевосита амалга оширувчилар ва унда иштирок қилувчилар оммаси ўртасида воқеаларни очиқдан-очиқ тушунмаган ва воқеаларнинг бориши томонидан улар олдига қўйилган чинакам тарихий вазифалардан четлашган социал элементлар кўп»[2]. Бундай ҳодисалар революция кунлари ва революциядан кейинги дастлабки йиллар учун, Ўрта Осиё миллий республикалари тузила бошлаган давр учун ҳам характерли эди.

Садриддин Айнийнинг «Одина» повести худди шундай бир даврда юзага келди. Асар Октябрь революцияси арафасидаги Ўрта Осиё халқлари, айниқса ўзбек ва тожик халқлари ҳаётига доир муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларни тасвир объекти қилиб олди; амирлик системасидаги ҳақсизлик ва зулмнинг авж олиб кетганлигини, қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам кучайиб бораётган синфий курашни, Октябрь инқилобининг халоскорлик ролини ҳаққоний ёритиб берди.

[1] *Ш. Ховариён.* Дар бораи «Одина» («Одина хусусида»). «Раҳбари Дониш», 1928 йил, № 8—9 (11—12), 6-бет.

[2] *В. И. Ленин.* Адабиёт тўғрисида, Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти. Тошкент, 1958, 12-бет.

С. Айний умрининг кўпгина қисмини амирлик тузуми шароитида ўтказди, бу тузумнинг энг даҳшатли, энг разил томонларини ўз кўзи билан кўрди, шоҳиди бўлди ва жабр-жафосини чекди. У, «Одина» повестини ёзишдан олдин Бухоро амирлигига қарам бўлган тоғли районларда яшовчи тожик аҳолисининг оғир ҳаёти билан чуқур танишиб чиқди. «Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар»[1] (1919 й.), «Бухоро Мангит амирларининг тарихи»[2] (1922 й.) номли асарлари ва «Кўҳистондаги тожикларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволи»[3] (1924 й.) номли мақолалари мазкур қиссанинг юзага келишида авторга катта ва бой материал берди. Бундан ташқари С. Айнийнинг 1915—1916 йилларда Қизилтепадаги пахта тозалаш заводида ишчи бўлиб ишлаши, у ердаги ўзбек ва тожик ишчилари ҳаётини яқиндан ўрганиши ва меҳнаткаш халқ орасида кун сайин томир отаётган революцион ғоялар билан танишиши ёзувчи дунёқарашининг шаклланишида катта роль ўйнади.

С. Айний «Одина» повести билан ўзбек ва тожик совет адабиётига том маънодаги реалистик повесть жанрини олиб кирди, унда социалистик реализм ижодий принципларини хийла муваффақият билан татбиқ эта бошлади. «Одина» повести шу кунга қадар украин, француз, инглиз, немис ва ҳоказо қирқдан ортиқ тилларга таржима қилинди.

Автор бу повестда биринчи йирик прозаик асари «Бухоро жаллодлари»да йўл қўйилган бир қатор нуқсон ва камчиликларни тузатишга муваффақ бўлди.[4] У, ўтмиш проза асарлари ва фольклорнинг эскирган традицияларидан ҳали бутунлай қутула олмаган бўлса ҳам, дунёқараши кенгайиб, ҳаёт ичига чуқурроқ кириб борганлиги ва эстетик қарашлари анча камол топиб, турмуш ҳақиқатларини ранг-баранг воситаларда, конкрет ҳаётий материал асосида образли акс эттиришга интилганлиги яққол сезилади.

Повестда тожик ва ўзбек халқларининг Октябрь социалистик революцияси арафасидаги ҳаёти, революцион курашлари ва бу кураш жараёнида тобора онги ўсиб бораётган Одина сингари оддий меҳнаткаш халқ вакиллари образи яратилди. Шунингдек, повестда миллий озодлик ҳаракатининг туғилиши, бу ҳаракатнинг ривожида рус революционерларининг кўрсатган таъсири, рус ишчилари билан маҳаллий пролетариат вакиллари ўртасида туғила бошлаган дўстона муносабатлар ҳам бадиий акс эттирилди. Одина образи 20-йиллар тожик ва ўзбек совет прозасида ижобий қаҳрамон образини яратиш соҳасида катта бир одим бўлди. Асардаги барча масалалар меҳнат ва меҳнаткашнинг ҳаёти, кураши аспектида тасвирланади.

Асар воқеаси, даставвал, Бухоро амирлигининг Қоратегин вилоятига қарашли кичик бир қишлоқда содир бўлиб, у камбағал етим бола — Одинанинг саргузаштлари асосида аста-секин ривожлана боради. Асарнинг асосий сюжетини ҳам меҳнат кишиси Одинанинг кечмишлари, унинг камбағал қиз Гулбибига бўлган соф муҳаббати тарихи ташкил этади. Одина ёшлик чоғлариданоқ ота-онасидан етим қолади. Ҳали у содда, онги ўсмаган, оқу қорани ҳам тушуниб етмаган оддий бир меҳнаткаш. У отасининг ўлими муносабати билан олган қарзлари эвазига судхўр бой — Арбоб Камолнинг қўл остида итоаткор қул сифатида эртаю кеч ҳалол меҳнат қилади, оч-яланғочликда турмуш кечиради. Бойдан олган қарзи эса камайиш ўрнига кундан-кун ортиб боради. Шунга қарамай, Одина бой даргоҳида қолиб, унинг азоб-уқубатларига бардош беради; оғир меҳнатдан бўйин товламайди, ҳатто буни «бурч» деб ҳам билади. Арбоб Камол эса, арзон ўлжани қўлдан чиқармасликка ҳаракат қилади, Одинани умрбод ишлатиш учун ҳар бир кичик ҳодисани катта бир қопқон қилиб олади (масалан, жарга йиқилиб, чўлоқ бўлиб қолган қўй эпизоди ва бошқалар). Ягона мақсад — Гулбиби билан турмуш қуриш ва оилани тебратиш орзуси Одинани Арбоб Камол ихтиёридан кетиб, бошқа бирон иш топиб,

[1] *С. Айний.* Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар, «Меҳнаткашлар товуши» газетаси, 1920 й., 18 ноябрь.

[2] *С. Айний.* Тарихи амирони мангитияи Бухоро. Нашриёти давлати Туркистон, Тошкент, 1923.

[3] *С. Айний.* Тожикони Кўҳистон, аҳволи иқтисоди ва ижтимои. «Овози тожик», 1924, 12 сентябрь, 5 октябрь.

[4] Бу ҳақда бир қатор илмий мақолаларда ҳам фикр юритилади, чунончи, *М. Шевердин.* Социальная восточная повесть, «За партию», Ташкент, 1928, № 4 (8) стр. 110—116. *И. Раҳимов. С. Айний* ижодида ижобий қаҳрамон масаласи, «Узбек тили ва адабиёти» (иккинчи мақола), 1963, № 3; *А. Раҳматуллаев.* К вопросу становления и развития социалистического реализма в прозе С. Айни. Мажмуаи мақолаҳои илми (нашри XXVI, сериян филологи) нашриёти «Ирфон», Душанбе, 1969, 175—214-бетлар ва бошқалар.

пул тўплашга отлантиради. Аммо Арбоб Камолдан нажот топиш осон эмас, Одина узрини айтиб, бойга мурожаат этганда, йиртқич бой Одинага нисбатан ваҳшийларча муносабатда бўлади ва Одинани ўз тузоғидан бир умр бўшатмаслигини айтади: «Гадой-бачча! Сен нималар деяпсан? Шуни билгинки, ўлганингдан кейин сенинг суякларинггина менинг қўлимдан қутула оладир. Ўшанда ҳам сен мендан бўлган қарзингдан қутула олмассан. Бор. Додингни худога айт...»[1] Гарчи Одина бой томонидан кўрсатилган ҳақоратларга ва пасткашликларга нисбатан бирон қаршилик кўрсата олмаган бўлса ҳам, бу каби даҳшатли воқеалар унинг қалбида бойга нисбатан нафрат ва ғазаб учқунларини алангалата боради. Одинанинг характерида пайдо бўлаётган руҳий ўзгаришлар унинг ўй-хаёллари, ички кечинмалари орқали берилади.

Қишлоқ ҳаёти Одинанинг қалбида Арбоб Камол ва унга ўхшаш бойларга қарши нафрат ва ғазаб ҳисси уйғотган бўлса ҳам, лекин бу онгли синфий ҳис кураш ҳисси даражасига кўтарилмайди. Арбоб Камол хизматида юриб, Гулбибининг висолига эришиш мумкин эмаслигига кўзи етган Одина Фарғона томонларга жўнаб кетади[2]. У Андижонда ишлаётган ватандошларининг кўмаги билан пахта заводларидан бирига ишга киради.

Одинанинг кўз ўнгида қишлоқ муҳити ва ҳаётидан фарқ қилувчи янги манзара намоён бўлади. Аммо шаҳар ҳаёти ҳам нималари биландир қишлоқдан фарқ қилмайди. Ҳамма ерда ҳам меҳнат аҳлининг аҳволи машаққатли ва мудҳиш. Одина шаҳарда ҳам меҳнаткашларнинг таланаётганини, «Ўлмас овқат, чиқмас жон учун» оғир шароитда ишлаётган ҳақсиз-ҳуқуқсиз кишиларни кўради. Булар тожик, ўзбек, рус, татар, туркман, қирғиз, яҳудий, афғон, арман, пирсиён ишчилари. Оғир меҳнат, очлик ва эпидемия қанчалаб кишиларни ўлим тўшагига ётқизади, қолоқ ва ишдан чиқиб қолган технология жараёни ҳар куни бир неча ишчини машинага ем қилади ёки оғир жароҳатлаб, дарбадар бир ҳолга келтиради. Лекин шунга қарамай, Одина заводда бир оз енгил тортади. Чунки у энди «ёлғиз эмас эди, ўз дардини очиб сўйлаш ёки кўнгилдаги дардларини таржима қилиш учун кўпгина ҳамдардлари бор эди»[1]. Одина гарчи меҳнат самараси, меҳнатнинг гўзаллиги ва қувончидан маҳрум этилган бўлса-да, ўз меҳнатига жирканиш билан қарамайди, виждонан ишлайди. У кеча-кундуз дам олмасдан, ухламасдан, чидам билан ишлаши, машаққатларни енгиши керак эди. Шундай қилгандагина, унингча, ўз мақсадига эришиши, пул йиғиб, юртига қайтиб, Гулбибига уйланиши мумкин эди. Гулбибига бўлган оташин севги Одинага куч-қувват бағишлайди, оғир дамларда уни юпатади ва қувонтиради. Шу сабабли Одина «кеча-кундуз саккиз-ўн пуддан қанорларни йигирма-ўттиз поғонали кўприк орқали юқорига олиб чиқар ёки оддий одамлар беш дақиқа тура олмайдиган жинхона эшиги олдида бирдан ўн икки соат туриб қанор бўшатар эди»[2]. Шунинг учун ҳам «бу ёш кучни, филдек йигитларни сичқондай заиф қилиб ташлайдиган ёмон шароит тезлик билан йиқита олмади»[3].

Одина заводда янги муҳит, янги кишилар ва янги онг билан танишди. Унинг дунёқарашида, турли социал кучларга нисбатан муносабатида бирмунча ўзгаришлар пайдо бўлди. У, фикран ва маънан ўсади. Тўғри, Одина Арбоб Камол ва мулла Хокираҳлар билан бўлган муносабатларидан кейин ҳам иккала синф ўртасидаги зиддиятларни фарқлай олмаган бўлса-да, «лекин уч йиллик завод хизмати, у ердаги сиёсий саводли ишчиларнинг ташвиқотлари, ниҳоят, Февраль инқилобидаги ишчилар намойиши ва у кундаги нутқлар унинг фикрини ўз бошидан ўтган воқеалардан ибрат оладиган даражада очган эди»[4]. Шу йўсинда Одина қишлоқ бойларининг қўлида ҳам, шаҳар капиталистларининг заводида ҳам меҳнаткаш учун тинч ва фаровон ҳаёт бўлиши мумкин эмаслигини яхши англайди. Бироқ Одина ҳали эксплуататорларга қарши жанговар курашчиларнинг илғор сафига ўтган эмас, унда тор индивидуа-

[1] *С. Айний*, ўша асар, 16-бет.

[2] Ўша кезларда, айниқса XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошида очлик ва муҳтожлик натижасида Бухоро амирлигига қарашли Қоратегин сингари тоғли райсилардан ва бошқа кўпгина Шарқ ўлкаларидан Фарғона ва Туркистон томонларга иш излаб келган ишчилар кўп эди.

[1] *С. Айний*, ўша асар 43-бет.

[2] *С. Айний*, ўша асар, 35-бет.

[3] *С. Айний*, ўша асар, 36-бет.

[4] *С. Айний*, ўша асар, 86-бет.

лизм тушунчаси давом этиб келарди: пул топсаю, қишлогига қайтиб, Гулбибига уйланса. Одина бир оз маблағ ҳам тўплайди, қишлоғига қайтади. Аммо унинг уч йиллик жамгарганини йўлда амир қароқчилари талаб оладилар. Одина яна мусофирчиликка бел боғлайди, катта умидлар билан яна заводга ишга қайтади. У, айниқса, Февраль революциясидан кейинги омма ўртасида юзага келган жонланиш, ишқилобий ҳаракатлар ва бунинг натижасида ҳоким табақа вакилларининг талвасага тушиб қолганликларини кўриб, энди улар бизга ён босишар, тинч ва осойишта ҳаёт кечирармиз, деб катта умид боғлаган эди: «Одина ўзининг бу некбинлиги (оптимизми)да ҳақли эди. Чунки, Февраль ишқилоби чоғларида оммадаги шодлик намойишлари ҳар кимни шундай некбинликка солар эди. Ҳақиқатда бўлса, бу некбинлик (Одинанинг тушунчасида) қуруқ гумон ва бўш хаёлдан бошқа нарса эмас эди. Чунки, подшоҳ тахтдан туширилган бўлса ҳам, сармоядорлик бурунгидек ўз жойида барқарор эди»[1]. Заводдаги тартиб-қоидаларининг аввалгича ўзгаришсиз қолишидан Одина оғир ташвишга тушади, умидсизликка берилади, соғлиги янада оғирлашади. Натижада олдинги йиллари заводда оғир азият чеккан Одина бу сафар ҳаёт машаққатларига бардош беролмай, касаллик оқибатида ишдан қувилади, ўртоқларининг ёрдами билан Тошкентга жўнаб, ўша ерда мусофирчиликда чойхонада вафот этади. Шундай қилиб, юқорида эслатиб ўтилганидек, Одинанинг дунёқарашида ишчилар ҳаракати, Февраль ишқилобидаги ишчиларнинг намойишлари ҳамда жанговар шиор ва нутқлар катта ўзгариш ясайди, у Октябрни қутлайди.

Баъзи адабиётшунослар ва танқидчилар Одинанинг ижтимоий пассивлиги тўғрисида бир ёқлама фикр юритиб, унинг маънавиётида ҳеч қандай ўзгариш юз бермади, деб ҳисоблайдилар. Масалан, И. С. Брагинский Одинанинг ҳаёт билан бирга ўсиб бориши, қаҳрамонининг ички фазилатлари, руҳий ўсиши ва олга қараб интилиши каби қатор фазилатларни ҳисобга олмасдан: «Одина повестга қандай кирса, шундайлигича чиқади»[2],

[1] *С. Айний*, ўша асар, 69-бет.
[2] *И. С. Брагинский.* Жизнь и творчество Садриддина Айни. ГИХЛ. М., 1959, стр. 108.

деб ёзади. Бу мутлақо нотўғри, албатта. Бу биринчидан бўлса, иккинчидан, И. С. Брагинский ва В. Панкина сингари адабиётшунослар муаллиф қаҳрамони Одинани курашчи-революционер қилиб тасвирлаши керак эди, деган талабни қўядилар. Масалан, И. С. Брагинский: «С. Айний ҳали китобхонга намуна ва ибрат бўла оладиган илҳомбахш ижобий қаҳрамон образини яратишга муваффақ бўла олган эмас, яъни у социалистик реализм адабиётининг энг муҳим вазифаларидан бирини ҳал эта олмаган»[1], деган фикрни илгари сурса, В. Панкина С. Айний ўз асарида «...қаҳрамонни революция курашчиларидан бири сифатида кўрсата олмади»[2], деган фикрни баён қилади. Бизнингча, бу мулоҳазаларга қўшилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам қўшилиб бўлмайдики, муаллиф Одина образини тасвирлар экан, ўз олдига қаҳрамон — курашчи — революционер образини яратишни вазифа қилиб қўймайди. Балки Октябрь арафасидаги ҳали ўз позициясини етарли англаб ва аниқлаб олмаган Кўҳистон, Қоратегин сингари тоғ тожикларининг оғир ҳаётини, «алифбе саводи ҳам бўлмаган», қайси табақанинг манфаати, қайси синф билан боғланганлигини ҳам англаб етмаган, кейинчалик эса кундалик воқеалар жараёнида ижтимоий-синфий шуури ўса бошлаган «ғариб, фақир, оддий меҳнаткаш» халқ вакили Одина каби кишилар образини яратишни назарда тутди. Ҳақиқий курашчи-революционер, большевик рус ишчиси Иван образи билан Одина образини шу нуқтаи назардан қиёс қилиб кўрилса, масала янада ойдинлашиб қолади. Г. И. Ломидзе бу жусусда И. С. Брагинский фикрларига эътироз билдириб, қуйидагиларни айтганда, бизнингча, жуда ҳақли эди: «Адибнинг хаёлан кўз ўнгидан турли-туман одамлар, турфа тақдирлар, характерлар тизилиб ўтади. Ёзувчи ўз қалбига яқин бўлган ана шу одамларни эмас, балки ҳаётда мавжуд бўлган ва бўлиши мумкин бўлган бошқа одамларни тасвирлаши керак эди, деган талабни қўйишга мунаққид ҳақли бўлармикин. Ҳаёт — беқиёсдир. С. Айний ўз асарида ҳаётнинг повестда акс эттирилмаган ҳамма томонларини ёритиб бермоқчи эмас, балки бу томонларни англаш учун гоят муҳим ва зарур бўлган биргина жиҳати ҳақи-

[1] Ўша жойда, 109-бет.
[2] *В. Панкина.* «Шарқи сурх», 1957, № 7, 11-бет.

да ҳикоя қилиб беришни назарда тутган. Ёзувчига бўлса баъзилар, социалистик реализм асарини яратмади, деб шама қилмоқдалар. Афтидан, етакчи қаҳрамон курашчи, ҳужумкор шахслар бўлган асарларнигина социалистик реализм асари, деб эътироф этаётганга ўхшайдилар»[1].

Бу борада тожик адабиётшуноси А. Раҳматуллаевнинг билдирган мулоҳазалари Г. Ломидзе фикрлари билан жуда ҳамоҳангдир. С. Айний «Одина» повестида курашчи-қаҳрамон образи тимсолини яратишни вазифа қилиб қўймаган. Адиб тоғлик тожикларнинг инқилобгача бўлган оғир ва машаққатли ҳаётини ҳаққоний акс эттирди ва ўз қиссасида янги кишилар — меҳнат аҳлининг ҳаёти учун бўлажак курашчиларнинг бир қатор образларини белгилаб олди, холос»[2].

Хулоса қилиб айтганда, биз сўнгги иккала танқидчининг фикрларига тўла қўшиламиз. Аммо бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, инсоннинг маънавий фазилатлари, характери меҳнатда, фаолиятда, кураш жараёнида ва кишилар билан ўзаро муносабатларда намоён бўлади. Одинанинг характери эса ўсиб бораётган синфий зиддиятлар логикаси замирида етарли кўрсатиб берилмайди. Асарда зулмнинг кони бўлган заводнинг ички ва ташқи манзараси, доққиюнусдан қолган эски технология жараёни ва унда ишлаётган ишчиларнинг ақл бовар қилиб бўлмас даражадаги оғир иш жараёни, худди шунингдек, аристократик табақа вакилларининг, ёзувчи таъбири билан айтганда, европача жиҳозлар билан жиҳозланган дабдабали бинолардаги дабдабали ҳаёти, очлик ва қашшоқлик исканжасида яшаётган ишчиларнинг эса қоронғи, зах ва шўрхок босиб кетган каталаклардаги аянчли аҳволи контраст қўйилган ҳолда ишчиллик билан ёритилади. Бироқ Одина ишлаб турган меҳнат жараёни, унинг қай тарзда, қай ҳолатда ишлаётганлиги ва меҳнат процессида кишилар билан муносабати материалда, бўёқларда атрофлича ёритиб

[1] *Г. Ломидзе.* Единство и многообразие. Изд-во «Советский писатель», М., 1957, стр. 83.

[2] *А. Раҳматуллаев.* К вопросу становления и развития социалистического реализма в прозе С. Айни. Мажмуаи мақолаҳои илмӣ (нашри XXVI), серияи филологӣ, институти Давлати педагогии Ленинобод ба номи С. М. Киров. Нашриёти «Ирфон», Душанбе — 1969 й., 175-бет.

берилмайди ёки жуда кам ёритилади. Одинанинг дунёқарашида ўзгаришлар вужудга келади-ю, лекин фаолиятида, хатти-ҳаракатида жиддий ўзгариш юз бермайди. Бу повестнинг нуқсонидир. Тўғри, повесть оптимистик хотималанади. Одина янги ҳаётдан шод, унинг орзусини Сангин, Шариф, Шоҳмирза каби юзларча одиналар давом эттириб, амалга оширадилар. Аммо буларнинг барчаси бош ижобий қаҳрамон кемтигини тўлдиролмайди. Бундай камчиликлар умуман 20—30-йиллар қиссачилигида мавжуд эди. Ёзувчиларимиз ёрқин ғоя, ёрқин характерлар ва типлар яратиш учун ҳали тайёргарлик босқичини ўтаётган эдилар.

С. Айний пахта заводи ишчиларининг турмушини ва оғир меҳнат шароитини кўпроқ оммавий картиналарда, эксплуататорларга қарши ғазабга тўлган оломон образида беришга ва шу асосда бош қаҳрамон Одинани умумлашма образ даражасига кўтаришга интилди.

Қиссада эркинз меҳнат турли эпизодларда ва турли контрастларда берилган. Автор заводни ва заводдаги оғир шароитда ишлаётган ишчилар фаолиятини тасвирлар экан, инсонни ва инсон меҳнатини капиталга ва капиталистларга қарам бўлган заводга қарши қўяди. Одина ва одиналар хизмат қилаётган завод кишини ҳолдан толдирувчи, кишига офат келтирувчи, унинг куч-қувватини, ҳатто ўзини ҳам ютиб юборувчи даҳшатли бир аждаҳога ўхшатилади.

Меҳнаткаш халқнинг аянчли аҳволига ва тенгсизликка ўша даврдаги муҳит, ижтимоий тузум, ундаги меҳнатнинг эксплуатация ва ҳуқуқсизлик асосида ташкил этилиши сабабчи эди. «Одина» повестининг муҳим ва характерли хусусиятларидан бири меҳнатнинг ижтимоий ҳаётда тутган мавқеини тасвирлаб берганлигидадир. Дарҳақиқат, ўша даврдаги меҳнатнинг эркинз ва қуллик характерига эга эканлигини кўрсатмасдан туриб, меҳнаткаш халқнинг оғир ҳаёти ва тақдирини тўла тасвирлаб бериш мумкин эмас эди. Бинобарин, ҳар қандай ижтимоий тузумнинг асосий хусусиятлари, даставвал, меҳнатнинг социал моҳияти ва характери ҳамда кишиларнинг меҳнатга бўлган муносабатлари билан белгиланади. Шунинг учун ҳам воқеликни революцион тараққиётда, тўғри, тарихий жиҳатдан аниқ ва ҳаққоний тасвирлаб бериш принципига асосланган социалистик реализм адабиётида меҳнат замонавий темаларнинг ҳам,

тарихий темаларнинг ҳам асосини ташкил этади. «Одина» повестида бу проблема — меҳнат проблемаси тарихий темани ишлаш орқали бадиий ҳал этилган. Ёзувчи тарихий процессни халқ ҳаётидаги янги, революцион элементларнинг ўсиш жараёни сифатида, янгиликнинг эскилик билан кураши ва илғор кучларнинг қарор топиши жараёни сифатида талқин этди.

С. Айний повесть сюжетига асос қилиб олган тарихий материални умумлашма даражасига кўтаришга ҳаракат қилди. Андижондаги пахта заводи ҳаётни кўрсатиш фонида, умуман, чекка ўлкаларда ҳам разолат дунёсининг зил кетиб, емирила бошлаганини очиб ташлади. Пахта заводининг турли цехларидаги оғир меҳнат технологиясини чизиш орқали ёзувчи эски капиталистик саноат барида ўсиб келаётган янги ижтимоий кучларни кўрсатди. Бу кучларнинг заводдаги тартиб-қоидаларни ва ўз меҳнат шароитларини тубдан ўзгартириш йўлидаги дастлабки жиддий хатти-ҳаракатларини ҳаққоний чизиб берди. Автор одамгарчилик қиёфасини йўқотган маҳаллий эксплуататорларнинг разил ишларидан қанчалик нафратланса ва уларнинг ёвуз башараларини қанчалик очиб ташлаган бўлса, Одина ва бошқа меҳнаткаш халқ вакиллари образини шунчалик меҳр-муҳаббат ва ачиниш билан тасвирлайди.

Повестда меҳнаткаш халқ онгида юз бераётган революцион кайфиятлар айниқса заводдаги оғир меҳнат манзараларини чизиш орқали яққолроқ тасвирлаб берилган. В. И. Ленин, ижтимоий меҳнатнинг крепостнойлик йўсинда ташкил этилиши калтак интизомига асосланади, меҳнатнинг капиталистик йўсинда ташкил этилиши эса очлик интизомига асосланади, деб ёзган эди. «Одина» повестининг кўпгина саҳифаларида С. Айний оч-яланғоч, қоронғи ва зах уйчаларда яшаб, зўрликка, эксплуатацияга асосланган уқубатли меҳнат натижасида, ҳолдан тойиб ишлаётган ишчиларнинг портретларини, жонли қиёфаларини китобхон кўз ўнгида аниқ ва ишонарли қилиб гавдалантира олди: «Бу одамларнинг афти башаралари, ёшлари турлича бўлса ҳам кўп жиҳатдан бир-бировларига ўхшар эдилар; қутлари ўчган, кўзлари чуқур тушиб кетган, бурунлари ингичка, юз, манглайларининг терилари бурушган, қўллари қаварган, оёқлари яраланган, йиртиқ кийимлар эски қанорлар парчаси билан ямалган, оёқларининг қонаб ётган яралари, дизенфекция қилмасдан... увадалар билан ўралган эди»[1]. «Ёлкаларида катта бир план осилган, белларини букиб, пастдан ўн пудга яқин чигитли пахта жойлашган қанорларини орқалаб шу кўприк ёки зинапоя орқали юқорига чиқаётган одамларни кўрасиз»[2].

Ишчилар заводда шу зайлда қамчи остида, ёзувчи таъбирича, ҳўкиз қатори, ҳатто ундан ҳам оғир аҳволда ишлатилар эди. Фарқи шунда эдики, агар ҳўкиз ишга ярамай қолса, эгаси уни маълум вақт бўш қўяр, аммо ишчи ишдан чиқса ёки касалланиб қолса, пудратчи уни дарҳол кўчага ҳайдаб чиқарар эди. Бугина эмас, умрида ремонт кўрмаган саноат корхоналари ва улардаги жин машиналарида ишлаётган ишчилар ҳар лаҳзада шикастланиб, пахта билан ўзлари ҳам дастгоҳ чархларига чайналиб ҳалок бўлар эдилар. «Оддий ҳаракатдан чиққан чарх зўр билан айланганда, эскириб қолган қайиш узилиб, ёғ қуяётган ишчининг белидан уриб, уни ҳам чархнинг комига тортиб кетди. Бу ҳодисаларнинг бариси кўз очиб-юмгунча воқе бўлди. Завод томонидан чалинган фалокат гудоги жинчининг жонхарош фарёди билан қўшилиб, бир мотам марши ҳавосини майдонга келтирган эди; жинчи қўл билагигача ўққа чайналиб, ўлим ҳолатида, йиқилган, уста билан ёғ қуювчи бўлса, чархга илиниб, қичқирмоққа ҳам фурсат топа олмай, оламдан ўтган эдилар.

Устма-уст чалинган фалокат гудоги билан заводнинг бари цехларида иш тўхталиб, ишчилар майдонга тўпландилар, ўлаётган жинчи билан уста ва ёғ қуювчининг парчаланган гавдалари жамоатнинг олдида, завод майдонида ётмоқда эди.

Митинг бошланди: ишчилар бири орқасидан бири пахта тойи устига чиқиб заводчини сўкмоқда, унга чархларининг бузилганини, қайишларининг титилганини, тишларининг қирилганини англатилгани ҳолда яна заводни ишдан тўхтатмасга амр бергани учун айбламоқда, подшо ҳукуматига шундай очкўз бойларни ҳимоя қилгани учун нафрат баён қилмоқда, ўз тирикчиликларидан зорланмоқда, оммани ихтилол ва инқилобга ундамоқда эдилар»[3].

[1] *С. Айний*, ўша асар, 33—34-бетлар.
[2] *С. Айний*, ўша асар, 29—30-бетлар.
[3] *С. Айний*, ўша асар, 44—45-бетлар.

Чор Россиясининг чекка ўлкаси ҳисобланган Туркистондаги завод ва фабрикаларда, темир йўл, шахта ва конларда ишлаётган ишчиларнинг аҳволи янада оғирроқ ва янада даҳшатлироқ эди. С. Айний эксплуататорлар билан ишчилар ўртасидаги тўқнашувларни тасвирлаш орқали Октябрь революцияси арафасидаги Ўрта Осиё меҳнаткашларининг сиёсий онги ўсиб, эндигина қаддини ростлаб келаётганликларини, шу билан бирга уларнинг бу чиқишлари ҳали уюшмаган ва стихияли характерга эга эканлигини ҳам тарихан тўғри кўрсатди. Бу жиҳатдан қиссанинг «Пахта заводи», «Одина заводда», «Иш ташлаш», «Ҳамдардлар» каби боблари айниқса характерлидир.

Повестда реал ҳаётдаги зиддиятлар, меҳнат билан капитал ўртасидаги қарама-қаршилик, меҳнаткашлар билан эксплуататорлар ўртасидаги кураш асар конфликтининг манбаи ва мазмуни қилиб олинган, янгиликнинг туғилиши ва эскиликка қарши курашнинг кескинлашуви халқ онгининг юксалиши фонида талқин этилган. Халқ оммасининг қашшоқланиши, қулликда ва жаҳолатда сақланиши ва ҳақсиз эзилиши бутун қисса давомида сезилиб туради. Халқ оммаси икки томонлама, яъни маҳаллий амалдорлар ва подшо ҳукумати томонидан оғир эксплуатация қилинар эди. Бунинг устига уларнинг ювиндихўрлари, югурдак-фармонбардорлари бўлган шариат пешволари динни байроқ қилиб олиб, эндигина революцион онги ўсиб келаётган ишчиларни адолат йўлидан, бирлашиш йўлидан оздиришга ҳаракат қилар эдилар. Заводда турли миллатга оид ишчиларнинг ўз руҳонийлари бўлиб, улар ишчилар ўртасида ўзларича бўлмағур ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб борар ва шу йўл билан кишилар онгини диний ақидалар билан заҳарлашга интилар эдилар: «Сиз ғайри дин, ғайри миллат кишиларидан сақланингиз,— дер эди ҳар бир руҳоний ўз диндошига,— улар сизга таъсир қилиб, динингизни бузиб, ўз динларига киргизиб олмасинлар, ўз худоингизга ибодат қилинг, ўз динингиз йўлига садақа беринг, ўз имом ва диний раҳбарларингизнинг иззатларини бажо келтиринг, уларнинг сўзларидан чиқа кўрманг. Дунё аҳлининг нози неъматларига ҳасад қилманг, фақирликдан полиманг, бу дунё тез ўтиб кетади. Дунё давлати қолади. Сиз охират давлатига кўз тикинг, ишлайдиган уйингиз ва хўжайинингизнинг

туз ҳақини оқлангки, туз ҳақи худо ҳақи билан баробардир. Хўжайинингизга хиёнат қилманг, ҳар қандай иш буюрса, жони дил билан бажаринг хизматкор бўлинг, лекин содиқ хизматкор бўлинг, билингки, бечоралик айб эмас, аммо куфрони неъмат ва кўрнамаклик гуноҳи азимдир. Замон подшосига итоат қилмоқни вожиб билингки, подшо худонинг соясидир...»[1]

Сиёсий онги ўсмаган ва яхши уюшиб етмаган ишчилар бундай гаплоларга учиб, бир-бировларига душманлик кўзи билан қарайдилар. Ўз дин ва миллатларига мансуб бўлмаган бошқа миллат ишчиларининг ҳар бир хатти-ҳаракатларига адоват сақлайдилар. Бунинг устига улар оладиган озгина иш ҳақларининг бир қисмини хатми қуръон, садақа, имомат пули, гуноҳдан покланиш ва бошқалар учун ўз руҳонийларига тўлар эдилар. Муаллиф халқнинг бор-будини талаб келган золимларни, пул ва фойда деган жойда ҳар қандай разолат ва пасткашликлардан қайтмайдиган бундай муттаҳам, йиртқичларни «ҳаромхўр қузғунлар»га ўхшатади. Уларни ўз ҳақ-ҳуқуқини таниб олган ва талаб этган шу халқ тилидан лаънатлайди: «Ўзларини худонинг нойиби, пайғамбарнинг вориси атаб, биздан садақа оладиган мулла ва поплар бизга ёрдам қилиш ўрнига, бизнинг бирлашишимизга тўсиқ, кучсизланишимизга ва бу восита билан ҳақимизни ола олмаслигимизга сабаб бўладилар, бунинг устига-устак, бизни ўз душманларимизга бўйсинувга ундайдилар, ҳақимизга қассобликдан бўлак иш қилмаган подшога итоат этишни вожиб санайдилар, булар ўз нафсларининг қули, хўжайиннинг бандаси, подшонинг жонсупар фармонбардоридан бошқа кимса эмаслар, булар текинхўрлар, булар йиртқич ҳайвонларнинг авлодидан қорин тўйғазиш учун уларнинг олдидан ёки устидан юриб йўл кўрсатадиган ўлимсахўр ёки қузғунга ўхшайдилар, буларнинг ўз қўлларидан ов қилиш келмайди, улар бошқа овчи ҳайвонлардан ортиб қолган ўлимтиклар билан қорин тўйғазадиган ҳаромхўрлардирлар. Шунинг учун бизни бирлашишдан тўхтатадилар, шунинг учун бизни хўжайиннинг «ҳақини риоя этмоққа ундайдилар, шунинг учун бизни подшога итоат қилмоққа чақирадилар»[2].

[1] *С. Айний*, ўша асар, 39-бет.
[2] *С. Айний*, ўша асар, 41-бет.

Ишчилар даставвал ҳоким синф вакилларини ўз қўл кучлари ҳисобига текинхўрларча яшаб келаётганликларини яхши тушуниб етган бўлсалар ҳам, уларга қарши курашга, мавжуд ҳаётни ўзгартиришга ўзларини ожиз сезадилар. Бироқ кейинчалик аҳвол ўзгара бошлайди, уларнинг синфий онги, интернационалистик тушунчалари ўса бориб, рус пролетариати ёрдамида ўз душманларини ер юзидан бутунлай супуриб ташлашга қодир эканликларини англайдилар. Айниқса катта корхоналардаги яхши уюшган ва яширин инқилобий ташкилотларга аъзо бўлиб кирган европалик ишчиларнинг омма орасида «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» шиори остида олиб борган сиёсий ташвиқотлари заводдаги маҳаллий ишчиларнинг бирлашишига, ўз душманларига қарши актив курашишга олиб келди. Автор оғир меҳнат остида эзилган ва меҳнатнинг қудратли кучини англаб етган ишчиларнинг ғазаб ва нафратини уларнинг ўз тилидан ихчам, содда, аммо табиий ва образли равишда шундай ифодалайди: «Бу қандай гапки, улар фароғатда-ю, бизлар кулфатда, улар роҳатда-ю, биз меҳнатда, улар тўқ бўлсину биз оч, улар шароб ичсинлару биз жигар қонини, улар гўзалларнинг лабларидан ўпсинлару, биз қора тупроқни, уларнинг хотинлари гўзал боғчаларда илак кийимлар кийиб, ўйнаб-кулиб юрсинлар-да, бизнинг хотинларимиз ўзимиздек қора меҳнат остида чирисинлар, уларнинг болалари олий мактабларда лазиз таомлар еб, илмлар олсинлар-да, бизнинг болаларимиз ёшликда оғир меҳнат қилиб, соғлиқларини йўқотиб, кўпинча бўйга етмасдан ҳалок бўлсинлар...

Бундай тирикчилик, бундай тарзи ҳаёт, бундай зиддият дуруст эмас ва давом қилуви мумкин ҳам эмас. Босиб қолинган ўз ҳақимизни олиш, бу тенгсизликни йўқотиш учун дин, миллат ўзгалигига қарамасдан, бизнинг бирлашувимиз, рус, ўзбек, арман, пирсиён, тожик, барбари, афғон демасдан, фақат меҳнаткашлигимизни назарга олиб, оға-инилашувимиз, ҳар биримизнинг манфаатимизни кўпнинг манфаатидек билувимиз, кўпнинг манфаатини ҳар биримизнинг манфаатимиз санамоғимиз керак»[1]. Кўринадики, бу каби эпизодларда оддий инсоний ҳуқуқлардан маҳрум этилган ва сабр

[1] *С. Айний,* ўша асар, 40—41-бетлар.

косаси тўлиб-тошган турли меҳнаткаш қатламларининг оғир аҳволи, руҳияти, орзу-умидлари, озодлик сари интилишлари зўр ҳаяжон билан тасвирланган. Меҳнаткаш халқ вакиллари билан ҳукмрон табақа вакиллари ўртасидаги синфий қарама-қаршилик, амирлик замонасидаги ижтимоий муносабатларнинг ҳақиқий моҳияти изчил равишда очиб ташланган. Асарда халқ оммасининг қашшоқланиши, қулликда ва жаҳолатда сақланиши, ҳоким табақалар томонидан ҳадсиз эзилиши маълум деталларда, халқ мақолалари ва ибораларида, халқ йиғинлари ва оломонларида, сўзлаган нутқларида, автор ва персонажларнинг тилларида яққол гавдалантирилган.

Заводдаги оғир шароит ишчилар ўртасида самимий, дўстона муносабатларни вужудга келтиради, ўзаро ёрдам туйғуларини тарбиялайди, уларни бир-бирига иноқлаштириб қўяди, ўз душманларига қарши қўзғалишга ундайди. Турли миллат ишчилари бошларига оғир мусибат тушганда бир-бировларидан ҳатто сўнгги тийинларини ҳам аямайдилар. Қиссанинг «Ҳамдардлар» ва «Ғариблар оқшоми» («Шоми ғариbон») деб номланган бобларидан буни яққол кўриш мумкин.

Одина узоқ вақт ишлаб, ҳаёт машаққатларига, тинкани қуритувчи меҳнатга бардош бера олмай, касалланиб заводдан ҳайдалганда, ўртоқлари ўзаро кенгашиб, пул тўплашиб, «табдили ҳаво учун» Одинани Тошкентга узатадилар. Бу ва шунга ўхшаш эпизодларда чинакам инсонпарварлик, меҳнат аҳлларининг меҳр-муҳаббати ва садоқати зўр самимият билан тасвирланган.

М. Горький «Социалистик реализм ҳақида» сарлавҳали мақоласида ёзган эди: «Адиб фақат қалам билангина ёзмайди, балки сўзлар воситаси билан манзара чизади, чизганда ҳам рассом сингари кишини ҳаракатсиз ҳолда тасвирламайди, балки уларни узлуксиз ҳаракатда, ўзаро доимий тўқнашувларда, синфлар, гуруҳлар, шахслар курашида тасвирлаши лозимлигини тушуниши керак»[1]. Шу нуқтаи назардан қараганда, юқорида қайд этиб ўтилганидек, қиссанинг биринчи қисмларида миллий ўлкаларда янги туғилиб келаётган пролетариат ва

[1] *М. Горький.* О литературе. Издательство «Советский писатель», Москва, 1953, стр. 608.

унинг қайси йўллар билан шаклланиб бораётганлиги Одина ва унинг заводдаги ўртоқлари мисолида ҳамда ҳукмрон социал гуруҳлар билан бўлган тўқнашувларда бирмунча дуруст тасвирлаб берилган. Бироқ бу жараёнлар охирига етказилмайди. Асарнинг асосий сюжет чизиғини ташкил этган Одина образи айни қизғин революция кунларида, ишчилар ўртасида, коллектив меҳнат жараёнида, янги тушунчаларга эга бўлиб бораётган бир пайтда касалланиб, бутунлай фаолиятсиз қолади. У снёсий воқеалардан четда, кўпчиликдан ажралган ҳолда тасвирланади. Шунинг оқибатида қиссанинг ечим саҳналари жуда бўш ва, энг муҳими, асарнинг бош қаҳрамони Одина мукаммал характер даражасига кўтарила олмаган.

Қиссада оғир меҳнат билан чиниққан ижобий қаҳрамонлардан бири — тажрибали революционер, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган рус ишчиси Иван образи ҳам берилган. Автор бу образни муҳаббат билан, самимият билан чизган, у китобхонда ҳам катта қизиқиш уйғотади. Иван образи замонасининг илғор кишиларига хос ажойиб фазилатларни ўзида мужассамлаштирган. Унинг бутун умри подшо ҳукумати ва сармоядорлар зулми остида очлик-яланғочликда, қулликда ўтади. Оғир ҳаёт ва меҳнат машаққатлари уни ҳеч қандай қийинчиликлардан чўчимайдиган баҳодир курашчига, ниқилобий ҳаракатларнинг фаол иштирокчисига айлантиради. С. Айний бу образ орқали ўзбек ва тожик совет адабиётида биринчи бўлиб оғир турмуш ва меҳнат машаққатларини кечирган, софдил, кишиларга нисбатан меҳрибон, қўрқмас курашчи рус кишилари образини яратди. Ёзувчи рус халқининг энг яхши фарзандлари революциядан буруноқ ўзбек, тожик каби маҳаллий миллат меҳнаткашларига биродарона дўстлик қўлини чўзиб, унга ҳар жиҳатдан катта ёрдам бериб келганини кичик-кичик эпизодларда типиклаштиради. Асарда бу образга жуда кам ўрин берилган бўлишига қарамай, автор жуда катта ғоявий-бадиий нагрузкани ифодалашга муваффақ бўлган. Иван маҳаллий халқ ўртасида «Эски дунёни бузамиз, янги дунёни тузамиз» шиори остида революцион ғояларни тарғиб қилади. У, Октябрь социалистик революциясининг оламшумул тарихий аҳамиятини, бутун дунё меҳнаткашларининг йўлбошчиси В. И. Ленин раҳбарлигидаги янги социалистик тузумнинг моҳиятини, ленинча миллий снёсий принципларининг маҳаллий аҳоли манфаатларига жуда мос эканлигини омма ўртасида содда ва равшан қилиб тушунтириб беради. Одинанинг Иван билан учрашиши ва революцион руҳдаги нутқларни тинглаши унинг маънавий ўсишидаги муҳим, ҳал этувчи кульминацион нуқта ҳисобланади. Одина Иван билан учрашмасдан илгари меҳнаткаш халқ душманларини ва революциянинг аҳамиятини бу қадар аниқ ва равшан англаб етмаган эди. Иван чойхонадаги Шомирза, Шариф, Одина ва бошқалар билан бўлган суҳбатда уларнинг ўтмишини эслатиб, революцион курашга тарғиб қилади: «Биз ишчилар,— дейди у,— узоқ йиллар подшо ҳукумати ва сармоядорлар зулми остида қон ютдик, эзилдик: бизнинг мингларча касбдошларимиз, боболаримиз очлик ва қуллик остида жон бердилар. Биз корхоналарда, фабрика-заводларда, темир йўлларда, кўмир, темир ва нефть конларида ишладик, аммо бутун фойдани бўлса сармоя эгалари ўз чўнтакларига уриб, кайфи сафо қилдилар, биз ўлмас овқат тилаганда, бизга нон ўрнига подшо ҳукуматининг ўқини юбордилар. Биздан бирон «айб» кўрилганда, уйимиз зиндону, томошагоҳимиз Сибирь тайгалари бўлди... Шунинг учун ишчилар ўз доҳийлари Ленин ва ўз партиялари бўлган большевиклар партияси раҳбарлиги остида кўп йиллардан бери ҳукм суриб келган сармоядорлик тартибини йўқотиш ва тирикчиликнинг янги усулини қуришга тайёрланмоқда...»[1]

«Бу қўллар,— дейди у сўзида давом этиб,— ўт қўралари, қор бўронларида чиниққан,— кўкрагини кўрсатиб,— бу кўкрак муз тоғларига сурилиб, оташ печкаларга суянib пишган; биз ишчилар меҳнат остида, машаққат ичида дунёнинг барча иссиқ-совуқларини кўриб ўсганмиз; энди биз на совуқдан қўрқамиз, на иссиқдан қочамиз...»[2] Иван фақат партия ва Ленин принципларини баён қилиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш учун ҳаракат қилибгина қолмай, ўз шахсий эътиқоди, дунёқараши, хатти-ҳаракатлари билан ана шу принципларга садоқатини ифодалайди. Ундаги партия ва Ленин ишига садоқат, маҳаллий миллат меҳнаткашларига ҳурмат, камтарлик, принципиаллик, ишчанлик, қатъият ва са-

[1] *С. Айний*, ўша асар, 88-бет.
[2] *С. Айний*, ўша асар, 87-бет.

ботлилик, мураккаб воқеаларнинг моҳиятини тўғри баҳолашга ёрдам беради. Бу хусусиятлар Иван образининг ҳаётий ва ҳаққоний чиқишига олиб келган. Буни унинг юқорида келтирилган отаниш сўзларидан ҳам дарҳол англаб олиш мумкин.

Иван ҳақиқий меҳнат кишисининг ёркин тимсолидир, унинг сиймосида социалистик гуманизм, интернационализм, жўшқинлик ва жанговарлик каби олижаноб фазилатлар мужассамлашган. Шу билан бирга, Иван меҳнатнинг битмас-туганмас ижодий кучини англаб етган ва уни қулликдан озод қилиш учун ўзини сафарбар этган ҳақиқий курашчи образи сифатида гавдаланади. Шунингдек, бу эпизодда феодал тузумнинг емирилишида рус революционерларининг маҳаллий халқларга яқиндан кўрсатган ёрдами ҳам ўз ифодасини топган. Повестнинг Иван образини тасвир этган саҳифалари асар сюжетининг узвий қисми сифатида бош қаҳрамон образини очишга бевосита хизмат эттирилган ва асарнинг гоявий, бадиий қимматини янада оширган.

«Революциядан олдинги ўзбек адабиётининг ижобий қаҳрамони,— деб ёзади И. Султонов,— деярли ҳамма вақт жафокаш одам бўлган. Ўзбек ёзувчилари революциядан кейинги дастлабки йилларда ижобий қаҳрамон тўғрисидаги бундай тасаввурни енгиб ўта олмадилар: уларнинг асарларидаги ижобий қаҳрамон фақатгина жафо чекади, лекин курашмайди... С. Айнийнинг дастлабки повестлари — «Бухоро жаллодлари», «Одина» ва «Қулбобо» асарларидаги қаҳрамонлар азоб чекадилар, лекин курашмайдилар ва рақибларини енгмайдилар»[1]. Бу фикрларга қўшилган ҳолда яна шуни ҳам айтиш мумкинки, муаллиф асарда Иван образи орқали эпизодик характерда бўлса-да, ҳақиқий курашчи ижобий қаҳрамон образининг муҳим белгиларини чизиб берди. Повестнинг йигирманчи йилларда яратилган бошқа кўпчилик асарларга нисбатан фарқи ва муҳим аҳамияти ҳам шундадир.

Автор повестдаги Одина, Гулбиби, Ойшабиби, Сангин, Шариф ва Шоҳмирза образлари тимсолида меҳнаткаш мазлум халқнинг аянчли қисматини кўрсатиш,

[1] *И. Султонов.* Пьесалар, мақолалар. ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1959, 245-бет.

унинг меҳнатсеварлиги ва маънавий софлигини улуғлаб тасвирлаш билан бирга, уларнинг қўл кучи самарасида «айш-ишратда, май, маҳбуб билан» умр кечириб келган арбоб Камол, мулла Хокирах каби маҳаллий ҳукмдорларни, Қурбонали каби эксплуататор заводчи-бойларни ва улар билан ҳамжиҳат бўлган шариат пешволарини ва бошқа ҳоким социал гуруҳларни кескин фош қилди. «Одина» повести зулм занжирини парчалаб ташлаб, эндигина озодликка чиққан меҳнаткаш омманинг ёруғлик ва маърифат кўчасига кириб, янги ҳаёт нашидасидан баҳраманд бўлаётганликлари ва янги тузум пойдеворини қуришга киришганлигини кўрсатиш билан тугалланади. Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, «Одина» повести темасининг актуаллиги, мазмунининг чуқурлиги билан бирга бадиий тили ва услуби эътибори билан ҳам, айниқса, ўша давр тожик ва ўзбек совет адабиётида муҳим ҳодиса ҳисобланди. Муаллиф асарининг сўзбошисида: «Бу ҳикояни ўзбек Давлат нашриёти таржима қилдирмоқчи бўлганда ўзбекчам заиф бўлса ҳам таржимани ўз бўйнимга олдим»[1],— деб ёзган эди камтарона. Ҳақиқатда эса, ёзувчи ўзбек халқининг бой, жонли, образли тил хазинасидан усталик билан фойдаланиб, ундаги сўз ва ибораларни ўзига хос бадиий услуб билан оригинал шаклда ишлатишда алоҳида маҳорат кўрсатди. Повестнинг тили содда, жонли, таъсирли бўлиб, халқ лиризми билан суғорилган. С. Айний тилда соддаликка, ифодада ёркинликка, воқеаларни ихчам жумлаларда беришга интилди ва бу соҳада катта муваффақиятга эришди. Унда оригинал ўхшатиш, сифатлаш, жонлантириш, муболага, мажоз каби бадиий приёмлар тез-тез учраб туради. Айрим мисоллар келтирамиз. «Ойшабиби бир ҳафтагача ўтга тушган қилдек куйиш аломати кўрсатмасдан ўз-ўзидан буралар, остига ўт тушган сомон тўдасидек оҳиқ аланга чиқармасдан ич-ичидан ёнар эди»[2]. «Том бўйи босилган пахта гарамлари ёнар тоғнинг ҳаракат олдидаги ҳолатидек осмонга буғ ўрнига тутун чиқазавердилар, бу ҳолда пахтачиларнинг ҳам думоғидан дуд чиқа бошлади»[3]. «Завод чархлари ҳам подшо ҳукуматига ўхшаб

[1] *С. Айний.* Ўша асар, 6-бет.
[2] *С. Айний.* Ўша асар, 23-бет.
[3] *С. Айний.* Ўша асар, 37-бет.

хўрдаланган гупчаклари, эзилган тишлари, узилган қайишлари билан зўрға айланмоқда эдилар»[1]. «Гулбибн очилишга тайёр бўлиб турган бир ғунча эдики, у бир нафасда ҳам баҳорни кўрди, ҳам хазонни кўрди»[2] ва ҳоказо. Ёзувчи қўллаган бадиий восталар китобхон кўз ўнгида аниқ, ёркин картиналар ҳосил қилади ва асарнинг ғоявий мазмунини очиб беришга, ундаги воқеаларни ўқувчига янада тўлиқроқ етказишга ёрдам беради.

Маълумки, инсон доимо табиат билан узвий алоқада бўлиб келди, ундан завқланди. Автор асарнинг ғоявий мазмунини тўлиқроқ ифодалаш, образларнинг характер ва портретини ёркин бўёқларда ҳаққоний чизиб бериш мақсадида пейзаждан усталик билан фойдаланди. «Одина» повестидаги катта ва кичик эпизодлар, ситуациялар билан бирга, ундаги пейзаж тасвири ҳам қаҳрамоннинг ички дунёсини, психологик ҳолатларини, ҳис ва ҳаяжонини очиб беришда катта роль ўйнаган. Ёзувчи қулликда, тутқунликда яшаган қаҳрамони Одинани бир лаҳза бўлса-да, сахий табиатдан баҳраманд қилишга, ундан завқланишини кўрсатишга интилди ва шу мақсадда Одинани гўзал табиат манзаралари оғушида тасвирлади.

Асарда Қоратегин билан Фарғона ўртасидаги тоғли районларнинг ўзига хос гўзал манзаралари жозибали тасвирланган. Қиссанинг бир неча саҳифалари, ҳатто айрим бутун-бутун («Жазо», «Ҳусни табиий», «Хазон») боблари табиат фасллари ва кўринишлари тасвири билан тўлган. Бу тасвирлар ўз ҳолича бемақсад берилмасдан, балки автор улар ёрдамида инсон ва унинг муҳим социал белгилари ва хусусиятларини, севинчи ва қувончлари, қайғу-аламлари, ўй-хаёллари, ҳаёти ва турмушини қабартиб кўрсатишга муваффақ бўлган. Шу билан бирга автор ўзининг ҳам табиат кўринишларига бўлган муносабатини белгилаган. Асарнинг марказий қаҳрамони Одинанинг табиат қўйнидаги «эркин» меҳнати тиниқ лавҳаларда, заводдаги аянчли аҳволи ва эрксиз меҳнати эса қора бўёқларда акс эттирилган. Бироқ, ҳар икки ҳолатда ҳам меҳнатнинг қуллик характери очилади, меҳнаткашлар эксплуататорларга зид қўйилади.

[1] *С. Айний*, ўша асар, 44-бет.
[2] *С. Айний*, ўша асар, 66-бет.

Ёзувчи пейзаж тасвирида кўпинча контраст приёмини қўллайди. Табиат манзаралари қаҳрамоннинг аҳволи ва ички кайфиятларига қарама-қарши қўйилади. Бироқ айни замонда, қаҳрамон қанчалик қайғули, аламли бўлмасин, у юзик табиатга, юқори дид ва завққа эга. Бу унга ором бағишлайди, қаҳрамон бир лаҳза бўлса ҳам табиат қўйнида ўзини эркин ҳис этади, қайғу-аламини унутади. Қуйидаги парча шу тахлитдадир: «Баҳор шамоли ҳилпираб эсади, кўклам ўсимлиги гуркираб ўсади, тоғ этагидаги яшилликлар юмшоқ ел билан силкиниб, енгил тўлқинли дарё каби кўзларни қамаштиради, сабза тўлқини гоҳ у томон, гоҳ бу томон сурилиб, томоша дарёсига ғарқ бўлган назарларни адаштиради, бу сабзалар тўлқинининг йўлини унда-бунда бош кўтариб турган харсанглар тўсиб турсалар ҳам, ёғиш таъсири билан шафақланган бу тошлар, қовоқ устига қўндирилган ясама қошлардек чирой устига чирой қўшар эдилар»[1].

«Одина шундай бир баҳор кунида рамасини суриб, эшагини олдай солиб тоғ этагига келди, молларни ўтлоққа ҳайдаб, ўзи ўтин термоққа киришди. Куннинг туш пайтида ўтлаб тўйган молларни соялатиб, ўзи ҳам бир харсанг устига ёнбошлади, умр бўйи Арбоб Камолнинг қиш кечаларидек совуқ ва қоронғи юзидан бўлак нарсани кўрмаган кўзлари кўклам гўзалликларига томон санчилди-да, турмушдаги ҳамма қайғули манзаралардан узилди... Баъзи бир вақтда қора булут парчалари Арбоб Камолнинг солиниб турган қовоқлари ва бурушган юзларидек кўриниб, дунёни Одина кўзига қоронғилатар эди, лекин бир оз вақт ўтар-ўтмас тағин офтоб қора пардалар остидан қутулган шарқ қизидек қора булутларни йиртиб чиқар ва Одинанинг қайғули юзига ўзининг қувончли нурини сепар эди»[2].

Ёзувчи қўллаган бадиий бўёқлар социал ҳаётдан, инсоннинг иш процессидаги кайфиятидан ажратилган ҳолда эмас, балки шу шароитда меҳнат қилаётган одамнинг ички кечинмалари билан боғли ҳолда унинг қалбига, қувноқ руҳига мойил қилиб тасвирланган. Пейзаж тасвири Одинанинг ички ва ташқи қиёфасида юз бераётган руҳий ўзгаришларни тўла англаб олишга имкон беради. Қаҳрамоннинг умумий кайфияти билан уйғун-

[1] *С. Айний*, ўша асар, 8-бет.
[2] *С. Айний*, ўша асар, 9-бет.

лашиб кетган табиат картиналари унинг қалбида қарама-қарши сезги туйғуларини юзага келтиради. Яна бир бошқа парча билан танишиб ўтайлик: «Шу ойнинг бошидан бери сарғая борган дарахтларнинг яшил барглари бу кун ёқимсиз ва изғирин елга чидай олмай қарчиғай ҳужумига учраган каптарлардек ҳар томонга учади... Қора булут дунёни ўраб, офтоб яширинган, кундуз қоронғи кечага айланган...»[1]

Ёки: «Ҳаво секин-секин очилмоқда, қора булутлар тарқамоқда, офтоб ҳам ўз нурини секин-секин Октябрь инқилоби офтобидек бутун ер юзига сочмоқда эди»[2]. Икки хил ҳолат бир-бирига контраст қилиб қўйилган.

Биринчи парчадан ёзувчининг асл мақсади ҳавонинг авзойи бузуқ эканлигини ёки бўлмаса хазонрезги — куз фаслининг кишини беҳузур қилувчи булутли кунларини кўрсатиш эмас албатта, балки адолатсиз тузумнинг қурбони бўлган Одинанинг ҳалокатини ва уни сўнгги манзилга элтиб бораётган, нақадар ҳолдан тойган мардикор-қаролларнинг руҳиятини, қайғу-аламларини акс эттиришдир. Бошқача айтганда, пейзаж қаҳрамоннинг шу пайтдаги ҳолатига монанд ва уйғунлаштирилган ҳолда чизилган. Изғирин шамолдан сарғайиб тўкилаётган япроқларнинг учиб тушиши қарчиғай ҳужумига учраган каптарларга ўхшатилганки, бу ўхшатиш орқали ёзувчи қаҳрамони Одинанинг оғир ҳаёт даҳшатларига бардош бера олмай, ҳалокатга учрашини образли ифода этган.

Иккинчи парчадаги бутун ер юзига таралаётган нур аслида шонли Октябрь қуёшининг порлоқ нурлари эди, бу нур зулм ва зулматнинг, диний фанатизмнинг кони бўлган ва таназзулга юз тутган Бухоро синғари чекка мустамлака ўлкалари осмонидаги «қора булутлар»ни ҳам тарқатиб юборганлиги ва мусаффо ҳаво олиб келганлиги бахтиёрлик рамзи сифатида ифодаланган. Кўринадики, муаллиф пейзаж ва портрет чизиш орқали ўзининг кимга қандай муносабатда бўлганлигини яққол акс эттирган. Бироқ асарнинг маълум ўринларида образларни тасвирлашда сунъий жимжимадорликка берилиш ҳоллари, шунингдек, натурализм элементлари ҳам кўзга ташланади. Масалан, асарнинг «Ҳусни табиий» деб номланган олтинчи бобида шаҳар билан қишлоқ бир-бирига

[1] *С. Айний*, ўша асар, 133-бет.
[2] *С. Айний*, ўша асар, 134-бет.

қарама-қарши қўйилган ҳолда тасвирланади ва қишлоқ ҳаёти қуйидагича идеаллаштирилади: «...қўю-қўзиларнинг ўйноқлаб ўтламоқлари, кийикларнинг ҳуркиб қочмоқлари театр саҳналаридаги раққосалар рақсини унуттирадир. Ақча ва меҳнат сарф этилмай муяссар бўлган бу табиий манзара қаршисида кўп куч ва катта маблағлар билан бино қилинган шаҳар боғларида ясамаликдан бўлак гўзаллик кўра олмайсиз»[1].

Хулоса қилиб айтганда, ёзувчи С. Улуғзода айтганидек, повестнинг тожикча нусхасидаги «тил гўзаллиги» ва унинг саҳифаларидан эшитилиб турган «ёқимли мусиқа садолари» асарнинг ўзбекча нусхасидан ҳам яққол сезилиб туради. Ўзбек адабий тилининг шаклланишида «Одина» повестининг роли, шубҳасиз, катта.

С. Айний социалистик реализм методини эгаллаш йўлида катта қийинчиликларга дуч келди. Бундай қийинчиликлар меҳнат аҳлининг характерини яратишда, уни тегишли воситалар билан тасвирлаб беришда ва бадиий асар архитектоникасини тузишда яққол кўзга ташланади. Бу тасодифий эмас, албатта. Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар ўзбек ва тожик адабиётида реалистик проза деярли тараққий этмаган, йирик реалистик проза полотнолари вужудга келмаган эди. Шу билан бирга, С. Айнийнинг реалистик прозаси ривожланган адабиётлар билан ҳали жуда яқиндан таниш эмас ва бирданига уларнинг тажриба ва традицияларини ижодий татбиқ этолмаган эди. Филология фанлари кандидати, таниқли айнийшунос Раҳим Ҳошим таъкидлаганидек: «Айний ўзининг илк бадиий асарлари — «Одина» ва «Дохунда»да кўпинча ўзининг изоҳлари ва тафсилотлари орқали китобхонни асар қаҳрамонларининг ўй-андишалари билан таништиради, гўёки, китобхонни қўлидан ушлаб, етаклаб, уларнинг кимлиги, нима иш билан шуғулланиши, қандай фикру хаёлда эканлигини бирма-бир тушунтириб беради. Лекин кейинги асарларида қаҳрамонларнинг хислат ва қиёфаларини уларнинг хатти-ҳаракати, характерларини табиий равишда ривожлантира бориш йўли билан кўрсатиб берадики, бу муаллифнинг рус адабиётидан ўрганишининг оқибат натижасидир»[2].

[1] *С. Айний*, ўша асар, 26—27-бетлар.
[2] *Раҳим Ҳошим*. Сухан аз устодон ва дўстон, нашриёти «Ирфон», Душанбе, 1971, 49—50-бетлар.

Маълумки, эски прозанинг структураси ва приёмлари янги мазмунни, янги ҳаётий материални ҳар томонлама чуқур кўрсатиб беришга етарли имкон бермас эди. «Одина» повестидагина эмас, умуман 20-йилларда яратилган ўзбек қиссаларида Шарқ прозачилигининг адабий-бадиий практикаси кенг қўлланилган эди. Чунончи, асарнинг тили, композицион қурилиши, текстларнинг шеър билан безатилиши, кўпчилик образларнинг эпизодик бўлиши ва воқеаларнинг ҳикоя, суҳбат-саргузашт тарзида баён этилиши ва бошқалар. С. Айний дастлабки йирик прозаик асари «Бухоро жаллодлари»да бўлгани каби «Одина»да ҳам кўпроқ ўтмиш проза асарларидаги саргузаштлар баёни усулига мурожаат қилди. Шунинг оқибатида асар қаҳрамонлари баъзан воқеаларнинг томошабини, тингловчисигина бўлиб қоладилар. Повестнинг иккинчи ярмидаги кўпчилик воқеалар Шариф тилидан унинг саргузаштлари асосида ҳикоя қилинади[1]. Бу усул орқали ўша даврнинг ижтимоий-тарихий ҳодисаларининг кўпчилиги қанчалик моҳирона ҳикоя қилиб берилмасин, уларда қаҳрамонлар характери деярли тайёр ҳолда берилади. Бу усул кўп ҳолларда санъаткорни қаҳрамонларни конкрет фаолиятда, характернинг ривожланишида кўрсатишдан маҳрум этиб қўяр эди. Одина образининг пассивлашиб, тўлақонли образ даражасига кўтарила олмай қолганлигининг сабабларидан бири ҳам шудир. Бу камчиликлар кейинчалик ёзувчининг ғоявий-бадиий жиҳатдан ўса бориши ва рус адабиётининг тажрибаларини самарали ўзлаштира бориши натижасида аста-секин тугатилди. Бироқ, бу ўринда шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, агар биз иккала асарни — «Бухоро жаллодлари» ва «Одина» повестини шу масала нуқтаи назаридан, яъни ўтмиш прозасидаги ҳикоя қилиш приёми нуқтаи назаридан кузатар эканмиз, шу биргина масалада ҳам улар ўртасидаги кескин фарқни кўришимиз мумкин. «Бухоро жаллодлари» повестидаги воқеа-ҳодисаларининг барчаси Бухоро жаллодлари тилидан ҳикоя қилинади. Бошқача айтганда, асар «Минг бир кеча»даги сингари мустақил новеллалардан ташкил топган. Унда мустақил, ягона сюжет чизиғи йўқ. «Одина» повести ҳақида эса бундай деб бўлмайди. Тўғри, бу повестда ҳам юқорида эслатиб ўтилганидек, воқеаларнинг маълум қисми суҳбат-саргузашт тарзида баён этилади. Бироқ унда ўтмиш прозасига хос тасвирлаш усуллари «Бухоро жаллодлари» повестига нисбатан сезиларли даражада кам қўлланилади. Биринчидан, «Одина»да бадиий-реалистик тасвир дастлабки асарга нисбатан анча кучли. Иккинчидан, унда асосий қаҳрамон Одинанинг ҳаёти ва фаолиятини ўзида ифода этган ягона ва яхлит сюжет чизиғи мавжуд.

Юқоридаги камчиликларга қарамай «Одина» повестининг ижтимоий, маърифий ва эстетик аҳамияти даставвал шундаки, асар бошдан-оёқ ўтмиш кирдикорларини фош этиш, феодал тузумининг адолатсизлигини қоралаш, янги социалистик ҳаётни тасдиқлаш ва улуғлаш руҳи билан суғорилган. Унда жанговар руҳ, бахтиёр ҳаёт қуришга сафарбарлик пафоси, озод меҳнат учун курашга чақириш ва уни орзиқиб кутиш ўз бадиий ифодасини топди: ҳаётнинг етакчи тенденцияси, янгиликнинг эскиликка қарши кураши тўлароқ ва ёрқинроқ кўрсатилди.

«Одина» повести ўзидан кейинги яратилган йирик проза асарларига зўр ижобий таъсир кўрсатди. Айниқса, С. Айний асарларининг тожик совет ёзувчиларидан Сотим Улуғзода, Жалол Икромий, Раҳим Жалил, ўзбек совет ёзувчиларидан Ойбек, А. Қаҳҳор, Ш. Рашидов, Мирмуҳсин, С. Назар, П. Қодиров прозаларига таъсири катта бўлди.

Шундай қилиб, С. Айний «Одина» повестида меҳнат кишилари образларини яратишда катта тажриба орттирдики, бу тажриба кейинги йилларда адибнинг ўзига ҳам, қатор ўзбек қиссанависларига ҳам жуда қўл келди.

[1] «Бухоро кўҳистони» тарихи тафсилоти ва «Ўғри» сингари боблар ортиқча бўлиб, бу эпизодлар асарнинг асосий ғояси ва воқеаси, эстетик плани билан бевосита боғланмай қолган.